

Erasmus+ KA2 Capacity Building in the Field of Higher Education
2018 йил январь, 2-сон.

Марказий Осиё университетларининг атроф мұхит мұхофазаси ва ер ресурсларини бошқариш соҳасида қишлоқ хўжалиги сиёсатидаги компетенцияларини ошириш

Лойиҳа ҳақида.

ERASMUS + дастурининг Олий таълим солиҳиятини кучайтириш бўйича KA2 561590-EPP-1-2015-1-SK-EPPKA2-CBHE-JP "ECAP" лойиҳаси Словакия, Австрия, Чехия, Қозоғистон ва Ўзбекистон Олий таълим муассасалари консорциуми асосида амалга оширилмоқда. Ушбу лойиҳа атроф мұхит мұхофазаси ва ер ресурсларини бошқарувининг ажралмас қисми сифатида инновацион ўқув дастурлари орқали Ўзбекистон ва Қозоғистон Республикаларида олий ўқув юртлари талабаларига тегишли билим ва тушунчалар берилади. Шунингдек, ҳар иккала мамлакат олий ўқув юртларида ҳамда бошқа тегишли соҳаларда фаолиятни ташкил этиш даражаси бўйича жамоатчилик учун зарур маълумотларни ташкил этиш ва ривожлантириш орқали амалга оширилади.

Лойиҳа натижалари.

Олий таълим соҳасида атроф-мұхитни мұхофaza қилиш ва ер ресурсларини бошқариш бўйича мақсадли гурӯҳ эҳтиёжлари таҳлили.

Ушбу ҳужжатнинг мақсади атроф мұхитни мұхофaza қилиш ва ер ресурсларини бошқариш бўйича олий таълим соҳасидаги ҳамкор ташкилотлар ва ҳамкор-давлатлар (Словакия, Австрия, Чехия, Ўзбекистон ва Қозоғистон)даги вазиятни таҳлил қилишдан иборат. Тадқиқотлар Марказий Осиёдаги ҳамкор университетларнинг мавжуд ўқув дастурларида атроф-мұхитни мұхофaza қилиш ва ер ресурсларини бошқариш масалалари бўйича боғлиқ камчиликлар ва эҳтиёжларни аниқлаш мақсадида ахборот олиш учун фойдаланилади. Ҳужжат анкета-сўровнома натижаларига асосан ишлаб чиқилган.

Анкетада жамланган барча маълумотлар, шунингдек, ушбу маълумотларнинг таҳлиллари натижалари нашр этилган. Олинган маълумотлар Марказий Осиёдаги ҳамкорлар учун янгидан тузилган ёки такомиллаштирилиб қайтадан тузилган ўқув дастурларини ишлаб чиқиш бўйича услугубий қўлланмани яратишда қўлланилган.

Ўқув дастурларини ишлаб чиқиш бўйича услугубий кўрсатма.

Услубий кўрсатма Ўзбекистон ва Қозоғистон олий таълим муассасаларининг фан дастурлари ва маъруза матнларини Болония жараёни талаблари асосида ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш учун қўлланма сифатида ишлаб чиқилган. Ушбу қўлланма ECAP лойиҳаси консорциум аъзолари томонидан лойиҳа координатори Словакиянинг Нитра қишлоқ хўжалиги университети (SUA), Прагадаги Чехия табиий фанлар университети (CULS) ва Вена табиий ресурслар ва табиий фанлар университети (BOKU) раҳбарлигига ишлаб чиқилган.


Услубий кўрсатманинг асосий мақсади – атроф-мұхитни мұхофaza қилиш ва ер ресурсларини бошқариш соҳаларида юқори сифатли ўқув дастурлари, ўқув материалларини яратиш бўйича тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Услубий қўлланма Евropa таълим дастурлари стандартларига асосланган бўлиб, қўйидагилардан иборат:

- Ўқув дастурларининг намуналарини яратиш учун тавсиялар;
- Ўқув материаллари ва ишчи ўқув дастурларининг намуналарини яратиш бўйича тавсиялар.

Электрон- таълим платформаси

Электрон- таълим платформаси платформаси ҳамкор олий таълим муасссалари томонидан янгидан ишлаб чиқилган ва такомиллаштирилган ўқув материаллари учун сифатли таълим курсларини ташкил этиш имконини беради. Ўқув материаллари Инглиз ва ўзбек тилида жойлаштирилади. Ушбу тизимдан қўйидаги ҳавола орқали фойдаланиш мумкин <http://ecap.uniag.sk/eplatform>.



The screenshot shows the ECAP ePlatform interface. The top navigation bar includes the ECAP logo, a search bar, and links for 'Language' and 'Manage courses'. The main content area displays a course category titled 'E-mapping and management of land resources (SamDU)'. The course description is as follows:

E-mapping and management of land resources (SamDU)

The course proposes background knowledge of modeling concepts and practices with a special emphasis on the spatial modeling and spatial calculations, including digital terrain models, agent-based models, GIS interface to the contamination transport model in various media. Also, basics of geobiochemical calculations and soil physics will be presented.

The sidebar on the left shows a navigation menu with categories like 'Dashboard', 'Courses', 'Administration', and language links for Kazakh and Uzbek.

Ўрта Осиё Олий таълим муассасаларининг бакалавриат таълим йўналиши талабалари учун ўқув дастурлар.

Ўрта Осиё мамлакатларидан ҳар бир ҳамкор олий таълим муассасаси Европалик ҳамкорлар раҳбарлигига иккитадан янги ўқув материалларини ишлаб чиқди ва мавжуд ўқув материалларини такомиллаштириди.

ҚОЗОҒИСТОН МИЛЛИЙ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ (KAZNAU).

1. Табиий ресурслар ва барқарор ривожланиш.

Ушбу курс ер ва сув ресурсларини бошқариш, экология, иқлим муаммолари ва ривожланиш контекстида табиий ресурслар билан боғлиқ маълумотларни баҳолаш ва бошқариш усулларини қамраб олади. Асосий мақсад, ривожланаётган мамлакатларда табиий ресурсларни бошқаришни яхлит ва барқарор нуқтаи-назардан ўрганишдир. Асосий эътибор, иқлим ўзгариши шароитида ер ва сув ресурсларини ўрганишга қаратилган.

2. Ер ресурслари мониторинги ва кадастри.

Ер ресурслари мониторинги ва кадастри курси тингловчиларга ер ресурслари мониторинги ва кадастри бўйича билим ва амалий кўнинмаларга эга бўлишни, барқарор келажак учун режаларни ва чора-тадбирларни ишлаб чиқиш учун билим ва кўнинмаларни шакллантиради.

А.БОЙТУРСУНОВ НОМИДАГИ КОСТАНАЙ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ (KSU)

1. Экологик мониторинг.

Атроф-муҳит хавфсизлиги давлатнинг барқарор ривожланишининг таркибий қисми сифатида эътироф етиш, атроф-муҳит ва одамларга зарарли антропоген таъсирларнинг олдини олиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. Атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг муҳим воситаларидан бири - экологик мониторингдир. Экологик мониторинг мақсади – атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги мақбул бошқарув қарорларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тадбирларининг самарадорлигини баҳолаш ва олдини олиш учун асос бўладиган атроф-муҳит ҳолати тўғрисида ишончли ахборотларни ва башоратни тақдим этишга қаратилган.

2. Ер ресурсларидан фойдаланишни режалаштириш.

Мулкчиликнинг турли шакллари шароитида ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш масаласи ердан фойдаланишни, атроф-муҳитни муҳофаза қилишни янада яхшилаш, тупроқ унумдорлигини ошириш бўйича кенг қамровли тадбирларни ва фан техника ютуқларидан фойдаланишни қамраб олади. Мамлакатни барқарор ривожлантириш мақсадида ер ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланишни ташкил этиш муҳим тадбирдардан бири ҳисобланади. Қишлоқ хўжалиги ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқларини ривожлантиришнинг хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда ер ресурсларини бошқаришни ташкил этиш асосий вазифалардан бири.

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ (SAMSU)

1. Экологик мониторингни амалга оширишда GIS / RS қўллаш.

Ушбу курс геоинформатика бўйича координата тизимлар ва проекциялар, фазовий маълумотлар моделлари ва уларнинг тузилиши, географик ахборот тизимлари учун маълумотларни үзатиш: геодезик асбоблар билан рақамли хариталар, рақамлаштириш ва геодезия, картография методологияси, ташкилотларда GIS учун лойиҳавий режалаштириш ва тизимли ечимлар; геодезия асослари; масоғавий зондлаш, мултиспектрал маълумотларнинг аниқ таснифларини қамраб олади. Географик ахборот тизимлари (GIS) технологияларининг принциплари ва қўлланилиши, қишлоқ хўжалиги ва табиий фанлар билан боғлиқ маълумотларни тўплаш, сақлаш ва таҳлил қилиш учун GISдан фойдаланишга алоҳида эътибор бериш лозим. Қишлоқ хўжалиги ва табиий ресурсларни бошқаришда Глобал жойлашишни аниқлаш тизимларини (GPS) ва GISни қўллаш.

2. Ер ресурсларини хариталаштириш ва бошқариш.

Ушбу курсда назарий ва амалий билимларни интеграциялашуви орқали ўргатиш назарда тутилган. Назарий малумотларни қамраб олишда географик маълумотларни етказиш, ўларни үзатиш усуллари, маълумотларни тўплаш, бошқариш ва таҳлил қилиш учун "маъруза ва таҳлиллардан" фойдаланиш мақсад қилинган. Ўзбекистон Республикасида экин майдонлари ва бошқа ер майдонларида ердан фойдаланиш, ер қопламининг ўзгаришини баҳолашга қаратилган турли мавзули ва кўп қиррали маълумотларнинг харитаси, мониторинги ва бошқарилиши учун мўлжалланган лаборатория тажрибалари орқали масоғавий рақамли технологиилар бўйича талабаларнинг кўникмаларини ривожлантириш учун амалий маълумотларни ишлаб чиқиш кўзда тутилган.

БЕРДАҚ НОМИДАГИ ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ (ҚҚДУ)

1. Экологлар учун GIS ва атроф-муҳитни моделлаштириш асослари.

Ушбу курс тингловчилардан моделлаштириш түғрисида, хусусан, фазовий моделлаштириш ва фазовий ҳисоблар, рақамли рельеф моделлари билан таниширилади. Шүнингдек, геоэкологик ҳисоб-китоблар ва тупроқ физикаси асослари тақдим этилади. Курсдан сүнг талабалар муайян атроф-муҳит мұаммоларига мөс моделлаштириш ёндашувини ва платформасини танлашлари керак, улар бошланғич ва чегара шарт-шаройтларини шакллантиришга ва киритиладиган маълумотларни тайёрлашга қодир бўлади. Шүнингдек, улар моделлаштириш натижаларини таҳлил қилиш, текшириш ва натижаларни ноанъанавий маълумотларга интеграллаш куникмаларига эга бўлади. Рақамли усууллар ва фазовий маълумотларни биргалиқда таҳлил қила олиш компетенциялари бошқа алоқадор фанларни чуқур ўрганишда ва эколог сифатида келажакдаги касби учун фойдалидир.

2. Иқлим ўзгариши ва ердан фойдаланишни бошқариш.

Иқлим ўзгариши Марказий Осиёning заиф табиий-ҳудудий комплексларига янги таҳдид ва хавф туғдиради. Экологик эксперталарнинг янги глобал мұаммолар бўйича тайёргарлиги, шу жумладан иқлим ўзгариши амалдаги экологияда замонавий концептуал асосларни билишни талаб қиласи. Экотизим сервислар концепцияси ушбу йўналишнинг асосий компонентларидан биридир. Ерларнинг шўлланишининг олдини олиш ташкилоти (UNEP) маълумотларига кўра, экотизим сервислари бу одамларнинг табиатдан оладиган фойдаларидир. Ушбу ёндашув инсон ва табиатнинг ўзаро ҳамкорлигини ҳамда ҳукумат қарорларни қабул қилиш жараёни билан интеграциясини ифода этади. Экотизим сервисларига асосланган ёндашувни жорий этиш туфайли турли усууллардан экотизимларига боғлиқлик ва уларга ҳар хил таъсирларни баҳолаш, миқдорий баҳолаш, кўринишлардан фойдаланишни талаб этади. Экотизим сервиси ердан самарали фойдаланиш амалиётлари билан биргалиқда олиб борилиши талабаларнинг табиатдан фойдаланиш бўйича умумий билимларини оширади ва атроф-муҳитни комплекс бошқариш бўйича кўникмаларни ривожлантиради.

Лойиҳа натижалари



2017 йил 20-24 феврал кунлари Вена табиий ресурслар ва табиий фанлари университетида тренинг ҳамда консорциум учрашуви бўлиб ўтди. Австрияning Вена шаҳрида Марказий Осиёning ҳамкор университетлари – Самарқанд давлат университети, Қорақалпоқ давлат университети, Қозоқ миллий аграр университети ва Костанай давлат университети ўқитувчилари ва мутахассислари учун тренинг ўтказилди. Тренинг давомида Словакияning Нитра қишлоқ хўжалиги университети, Вена табиий ресурслар ва табиий фанлар университети ва Чехияning Прага табиий фанлар университети мутахассислари ер ресурсларини бошқариш, ердан фойдаланишни режалаштириш, сув ресурсларини бошқариш, ГИС асослари ва географик маълумотлар атроф муҳит муҳофазаси соҳасидаги амалий дастурлар, тупроқни муҳофаза қилиш воситаси сифатида тупроқни хариталаш, Европа Иттифоқининг атроф-муҳит сиёсати ва Словакия шароитида қонунчиликни амалга ошириш имконияти ва ишлаб чиқариш соҳасидаги касбий билимлари ва амалий тажрибалари билан ўртоқлашишди. Тренинг давомида мутахассислар ва ўқитувчилар Гидротехника ва Қишлоқ хўжалиги сувларини бошқариш институти лабораторияси билан танишиш имкониятига эга бўлишди.



2017 йил 11-13 сентябр кунлари Словакияning Нитра шаҳрида ECAP лойиҳаси доирасида Марказий Осиёning ҳамкор университетлари – Самарқанд давлат университети, Қорақалпоқ давлат университети, Қозоқ миллий аграр университети ва Костанай давлат университети ўқитувчилари ва мутахассислари учун учинчи семинар тренинги бўлиб ўтди. Семинар тренинг давомида Словакияning Нитра қишлоқ хўжалиги университети, Вена табиий ресурслар ва табиий фанлар университети ва Чехияning Прага табиий фанлар университети мутахассислари иштирокчиларни ерларнинг танazzулга учраши, ер консолидацияси, ерни масофадан зондлаш, фотограмметрия, сув ифлосланиши ва сувни тозалаш ҳамда атроф-муҳит мониторинги соҳасидаги билимлари билан ўртоқлашишди.

Тарғибот тадбирлари

2017 йил январь ойида Костанай давлат университети экология кафедрасы мудири Г.Юнусова ва катта ўқитувчи А.Хасанова Қозоқ-Герман Университетида EI/BMTTD/BMTEIK "Қозоғистонга яшил иқтисод моделига үтиш үчүн күмак" қүшма лойиҳаси доирасида ташкил этилган "Интеграциялашган сүв ресурсларини бошқариш: иқтисодий ва ҳуқукий жиҳатлар" тренингіда иштирок этишди. Лойиҳа иштирокчиларига ECAP лойиҳаси тарқатма материалларини тарқатылған ва лойиҳа түрлісінде маълумот берилген.



2016 йил 15-16 ноябр күнлари Будапештде "TEMPUS жамоатчилік жамғармаси" томонидан "Erasmus+" дастури ҳамкор давлатлари билан марказлаштырылған тадбирлар бүйіча халқаро ахборот семинари ташкил этилди. Тадбир Словакия Халқаро ҳамкорлық бүйіча академик ассоциация (SAAIC) ва Австрияның таълим, илм-фан ва тадқиқот соғасидаги мобиллік ва ҳамкорлық бүйіча агентлиги (OeAD) билан ҳамкорлықда ташкил этилди. ECAP лойиҳаси ҳам ушбу тадбирда намойиш қилинди.



Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва ер ресурсларини бошқариш соҳасидаги миллий янгиликлар.

Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат бошқаруви тизимини қайта ташкил этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонига кўра табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига бўйсунувчи ва маъсул бўлган Ўзбекистон экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасига айлантирилди. Янги ташкил этилган Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг асосий вазифалари ва функциялари - давлат бошқаруви, мувофиқлаштириш, экология соҳасидаги идоралараро ҳамкорлик, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва такрор ишлаб чиқаришни қўллаб қувватлаш ҳисобланади.

2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича "Ҳаракатлар стратегияси"да назарда тутилган экологик хавфсизликни таъминлаш, инсонларнинг турмуш шароитларини яхшиловчи ва қулийликлар яратувчи ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги қарори, "Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ва "2017-2021-йилларда майший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

2017-йил 9-октябрь куни "Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан самарали фойдаланиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони қабул қилинди. Ушбу Фармонга биноан 2022 йилнинг 1-январидан бошлаб кўп тармоқли фаолиятни йўлга қўймаган фермер хўжаликлари билан ер ижараси шартномалари қонун ҳужжатларига мувофиқ бекор қилинади.

